



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

4 (78) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

4 (78)

2025

апрель

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 616.06

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ЖОЙЛАШГАН ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА МЕЪДА ОСТИ БЕЗИ РАКЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

¹Иноятова Нафосат Нишонбой қизи <https://orcid.org/0009-0009-6958-8934>

²Баҳром Юлдашев <https://orcid.org/0009-0006-6954-4948>

¹ Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

²«Маъмун университети» Ўзбекистон Хоразм вилояти, Хива, Бол-ховуз 2.
тел: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz>

✓ Резюме

Ушбу мақолада Хоразм вилояти ҳудудида меъда ости беzi ўсмаларининг учраш миқдори, ҳудудлар бўйича тарқалиши таҳлил қилинди. Таҳлил учун материаллар Ўзбекистон Республикаси Онкология ва радиология ихтисослаштирилган илмий - амалий маркази Хоразм филиалида 2021-2024 - йилларда даволанишда бўлган 97 нафар беморларнинг касаллик тарихлари, патогистологик ҳулосалари, нам архив материаллари ва парафин блоклар олинди. Олинган материаллар беморларнинг ёши, жинси, яшаш ҳудудлари бўйича гуруҳларга бўлиб ўрганилди ва ҳулосалар қилинди.

Калит сўзлар: меъда ости беzi раки, ҳудудлар, ёшга боғлиқлик.

ХАРАКТЕРИСТИКИ РАСПРОСТРАНЕНИЯ РАКА ПОДЖЕЛУДОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ В ХОРАЗМСКОЙ ОБЛАСТИ, РАСПОЛОЖЕННОЙ В АРАЛСКОМ РЕГИОНЕ

¹Иноятова Нафосат Нишонбой қизи <https://orcid.org/0009-0009-6958-8934>

²Баҳром Юлдашев <https://orcid.org/0009-0006-6954-4948>

¹Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область, город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

²«Университет Маъмуна», Хорезмская область Узбекистана, г. Хива, Бол-ховуз 2.
тел: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz>

✓ Резюме

В этой статье приводятся данные ретроспективного анализа рака поджелудочной железы взятых у 97 больных, лечившихся в Хорезмском филиале Специализированном научно-практическом центре онкологии и радиологии Республики Узбекистан. Были изучены материалы историй болезней больных, патогистологические заключения, влажные архивы и парафиновые блоки. Материалы были изучены в зависимости от возраста, пола и по месту проживания больных.

Ключевые слова: рак поджелудочной железы, регионы, возраст.

CHARACTERISTICS OF THE SPREAD OF PANCREATIC CANCER IN THE KHORAZM REGION LOCATED IN THE ARAL REGION

¹Inoyatova Nafosat Nishonboy kizi <https://orcid.org/0009-0009-6958-8934>

²BaxromYuldashev <https://orcid.org/0009-0006-6954-4948>

¹Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city, Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

²«Mamun University» Uzbekistan Khorazm region, Khiva, Bol-govuz 2.
tel: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz>

✓ Resume

This article presents data from a retrospective analysis of pancreatic cancer taken from 97 patients treated at the Khorezm branch of the Specialized Scientific and Practical Center of Oncology and Radiology of the Republic of Uzbekistan. The materials of the patients' medical histories, pathohistological reports, NAM archives and paraffin blocks were studied. The materials were studied depending on the age, gender and place of residence of the patients.

Key words: *pancreatic cancer, regions, age.*

Долзарблиги

Меъда ости беи ракларини характерлаш жараёнида муаллифлар охириги 50 йил давомида унинг ўсиб бориш тенденцияси ва ўлим ҳолатларининг ортишини қайд қилишган. Уни метастазларини даволашнинг ягона эффектив усули радикал жаррохлик муолажалари бўлиб қолмоқда. Аммо унинг клиник жиҳатлари намоён бўлиши даврига жаррохлик амалиётининг эффективлик даражаси 16 % дан ошмаяпти. Меъда ости беи ракларида стандарт химио ва нур терапияларининг тўлиқ режими ҳозиргача ишлаб чиқилмаган ва уларнинг таъсир доираси 15-28% ни ташкил қилади холос (Прокопчик Н. И.2022;).

1990 йилдан 2019-йилгача ёш бўйича касалланиш стандарти 46,9%, ўлим ҳолатлари 44,6% га кўпайган. Африка, Америка ва Осиё давлатларида доимий ўсиш ҳолати кузатилган бўлса, Европада бу кўрсаткич тебраниш ҳолатида.

Саратов Давлат тиббиёт университети олимлари (Фольц Э.Э. и др 2019) 50-60 ёшдаги одамлар орасида меъда ости беи билан касалланиш ортиб бораётганлиги тўғрисидаги маълумотларни келтиришади. Америка қўшма штатларида онкологик ўлимлар орасида 4 - ўринда қайд қилинади. Америка рак ассоциацияси маълумотларига кўра ҳар йили бу касалликдан 25 минг киши вафот этади. Бу касалликнинг мойиллик омиллари қаторида чекиш, қандли диабет, асбест таъсири кўрсатилади, шу билан бир қаторда сурункали панкреатит, холецистит, сурункали алкоголизм, ўткир ва ёғли овқатлар истеъмоли каби омиллар келтирилади. Меъда ракиннинг юзага келиш мойиллиги ирсий панкреатит билан оғриган болаларда юқорилиги қайд қилинган.

Шу юқорида кўрсатилганларни инобатга олганда меъда ости беи ракларини ҳудудуйлик ва ёшга боғлиқ жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Илмий ишнинг мақсади: Оролбўйи минтақасида меъда ости беи ракларининг учраш миқдори, ёшга боғлиқлик хусусиятлари, минтақага хос экологик ва ижтимоий омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш ва тавсифлаш.

Материал ва усуллар

Ишнинг материали бўлиб Ўзбекистон Республикаси Онкология ва радиология ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази Хоразм филиалида 2021-2024-йилларда даволанишда бўлган 97 нафар беморларнинг касаллик тарихлари, патогистологик хулосалари, нам архив материаллари ва парафин блоклар олинди.


Тадқиқот натижасида олинган материаллар атрофлича таҳлил қилинди ва такрорий гистологик текширувлар амалга оширилди.

Олинган натижалар: Тадқиқот учун олинган касаллик тарихларидан беморларнинг Хоразм вилояти ҳудудлари бўйича жойлашуви, ёшлар гуруҳлари бўйича учраши, ўсmalarнинг гистологик характеристикаси бўйича гуруҳларга бўлиб ўрганилди.

Хоразм вилояти ҳудудлари бўйича меъда ости беи ракларининг тарқалиши қуйидаги кўринишда бўлди: 97 та ҳолатнинг 11 таси Боғот тумани, 11 таси Урганч тумани, 11 таси Хазорасп ҳамда 11 таси Шовот туманларига тўғри келиб бу барча ҳолатларнинг 11% дан 44% ни ташкил қилади, кейинги ўринда Қўшқўпир тумани 10 та ҳолат (10%), учинчи ўринда Хива шаҳри 8 та ҳолат билан (8%) жойлашди ва 6 та ҳудуддаги ўсmalar учраши миқдори вилоят ҳудудларининг ярмидан кўпини яъни 62% ташкил қилди. Кейинги ўринларда Гурлан, Хива туманлари 7 тадан ҳолат (7% дан), Хонқа ва Янгибозор туманлари 6 тадан ҳолат (6% дан), Янгиариқ тумани 4 та ҳолат (4%), Урганч шаҳри 3 та ҳолат (3%), Тупроққалъа тумани 2 та ҳолат (2%) қайд қилинди (жадвал 1).

Меъда ости беи ракларининг Хоразм вилояти ҳудудлари бўйича тақсимланиши
Жадвал 1.

N	Ҳудудлар	Абсолют сонда	Ҳоизда
1.	Боғот тумани	11	11,3%
2	Гурлан тумани	7	7,3%
3	Қўшқўпир тумани	10	10,3%
4	Тупрокқалъа тумани	2	2,1%
5	Урганч тумани	11	11,3%
6	Урганч шаҳри	3	3,1%
7	Хива тумани	7	7,3%
8	Хива шаҳри	8	8,2%
9	Хонқа тумани	6	6,2%
10	Ҳазорасп тумани	11	11,3%
11	Шовот тумани	11	11,3%
12	Янгиариқ тумани	4	4,1%
13	Янгибозор тумани	6	6,2%
14	Жами	97	100 %



Боғот, Урганч, Ҳазорасп ва Шовот туманларида меъда ости беи ракларининг бошқа ҳудудларга қараганда кўп кузатилиши, оилавий поликлиникалар, поликлиникаларда онкологик эҳтиёткорликнинг ва касалликни эрта даврларда аниқлаш бўйича беморлар орасида тарғибот ишларининг яхши олиб борилмаганлиги натижаси деб қараш мумкин, чунки уларга ёндош, бир шароитга эга бўлган ҳудудларда бундай ҳолатлар кузатилмади.

Касалликни ёшлар гуруҳлари бўйича таҳлил қилинганда қуйидаги ҳолат кузатилди: 18-44 ёш гуруҳидагилар орасида 11 та ҳолат қайд қилиниб барча ўсмаларнинг 11 % ни ташкил қилган бўлса, 45-59 ёш гуруҳидагилар орасида 36 та ҳолат 37% да, 60-74 ёш категориясида эса энг кўп 49 та ҳолатда қайд қилиниб 51% да кузатилди, 75-90 ёшлилар орасида эса 1 та ҳолат кузатилди 1%.

Худудлар орасида 18-44 ёш категориясида қайд қилинган ҳолат Қўшқўпир туманига тўғри келиб 4 та ҳолатда кузатилган (жами беморларнинг 4% и), Боғот туманида 3 тадан ҳолат (3%), Тупроққалъа тумани, Хива шаҳри, Хонқа ва Шовот туманларида 1 тадан ҳолат қайд қилинган (1% дан).

Ўрта ёшдаги 45-59 ёш категориясидаги беморлар орасида ўсманинг учраши 36 та ҳолатда кузатилиб, худудлар бўйича қуйидагича тақсимланди: энг кўп учраш Хазорасп туманида 8 та ҳолат (8%), Хива шаҳри ва Шовот туманида 5 тадан ҳолат (5% дан), Боғот, Гурлан, Қўшқўпир ва Хива туманларида 3 тадан ҳолат кузатилиб (3% дан жами 12%) ни ташкил қилган бўлса, Урганч ва Хонқа туманларида 2 тадан ҳолат (2% дан), қолган худудларда 1 та ҳолат Янгиариқ ҳамда Янгибозор туманларида (1% дан) ташкил қилди.

60-74 ёшлилар гуруҳида ўсмаларнинг учраши энг кўп ҳолатларда 49 ҳолатда қайд қилиниб 51% ташкил қилди ва вилоят худудлари бўйича тарқалиши қуйидагича бўлди. Энг кўп ҳолат Урганч туманида кузатилиб 9 нафар беморда (9%) қайд қилинди, Боғот, Шовот, Янгибозор туманларида 5 тадан ҳолат (5% дан), Гурлан туманида 4 та ҳолат (4%), Қўшқўпир тумани, Урганч шаҳри, Хива, Хонқа, Хазорасп ва Янгиариқ туманларида 3 тадан ҳолатлар (3% дан), Хива шаҳрида 2 та ҳолат (2%), Тупроққалъа туманида эса 1 та ҳолат (1%) қайд қилинди.

75-90 ёшли гуруҳда 1 нафар беморда меъда ости беши раки кузатилиб умумий кўрсаткичнинг 1% ни ташкил қилди. (жадвал 2).

Меъда ости беши ракларининг ёшлар бўйича тақсимланиши n-97 Жадвал 2.

N	Худудлар	18-44 ёш	%	45-59 ёш	%	60-74 ёш	%	75-90 ёш	%	жами	%
1	Боғот тумани	3	3%	3	3%	5	5%	0	0%	11	11%
2	Гурлан тумани	0	0%	3	3%	4	4%	0	0%	7	7%
3	Қўшқўпир тумани	4	4%	3	3%	3	3%	0	0%	10	10%
4	Тупроққалъа тумани	1	1%	0	0%	1	1%	0	0%	2	2%
5	Урганч тумани	0	0%	2	2%	9	9%	0	0%	11	11%
6	Урганч шаҳри	0	0%	0	0%	3	3%	0	0%	3	3%
7	Хива тумани	0	0%	3	3%	3	3%	1	1%	7	7%
8	Хива шаҳри	1	1%	5	5%	2	2%	0	0%	8	8%
9	Хонқа тумани	1	1%	2	2%	3	3%	0	0%	6	6%
10	Хазорасп тумани	0	0%	8	8%	3	3%	0	0%	11	11%
11	Шовот тумани	1	1%	5	5%	5	5%	0	0%	11	11%
12	Янгиариқ тумани	0	0%	1	1%	3	3%	0	0%	4	4%
13	Янгибозор тумани	0	0%	1	1%	5	5%	0	0%	6	6%
14	Жами	11	11%	36	37%	49	51%	1	1%	97	100%

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагича хулосалар қилиш мумкин.

Хулоса

Хоразм вилоятининг ҳудудларида меъда ости безининг ракларини ўрганиш жараёнида шу нарсга ойдинлашдики, бу ҳудуд аҳолиси орасида бу касалликнинг учраши адабиётларда кўрсатилаганидан фарқли равишда кекса ёшдаги ёш гуруҳларида яъни 60-74 ёшдаги одамларда (адабиётларда 50-60 ёш) кўп кузатилган. Касаллик кўпроқ Урганч, Боғот, Хазорасп, Шовот, Кўшкўпир туманларида кўп учраб, бу туманларда онкологик хизматнинг ташкил қилиниши оқсётганидан дарак беради. Беморларнинг бу ёшгача етиб бориши эса касалликнинг кеч ривожланиши билан боғлиқдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдихакимов А.Н. и др. Заболеваемость злокачественными новообразованиями и экологическая ситуация в некоторых регионах республики Узбекистан // Экология человека. 2012;2:32-39.
2. Абдукодиров А.О.У. Современные подходы комплексного лечения местнораспространенного рака желудка // Central Asian Journal of Academic Research. 2024;2(10/1):173-178.
3. Фольц Э. Э. Рак поджелудочной железы // Бюллетень медицинских интернет-конференций. – Общество с ограниченной ответственностью «Наука и инновации», 2019;9(3):146-151.
4. Ефременков А. М. и др. Возможности эндовидеохирургии в лечении детей с очаговыми поражениями поджелудочной железы // Анналы хирургической гепатологии. 2024;29(2):22-31.
5. Жарикова А.В. и др. Влияние современных технологий компьютерной и магнитно-резонансной томографии на дооперационное стадирование рака поджелудочной железы // Медицинская визуализация. 2024;28(2):118-133.
6. Kim J.Y., Hong S.M. Precursor Lesions of Pancreatic Cancer. // Oncol. Res. Treat. 2018;41:603-610.

Қабул қилинган сана 20.03.2025